Солиқ

**Электр энергия етказиб беришда кўрсатаётган хизматлар бўйича**
( За транспортировку электроэнергии по сетям)
45/2 сонли

# ШАРТНОМА

«28» январ 2022йил                                                                 Самарқанд шаҳри.

**«Ўзбекистон темир йўллари» Акциядорлик Жамияти, Бухоро Минтақавий Темир йўл Узели УК Самарқанд электр таъминоти дистанцияси** (кейинги ўринларда **«Таъминотчи»** деб юритилади) номидан низомга асосан амал қилувчи дистанция бошлиғи **У.Б.Игамбердиев бир томондан** ва Жомбой туманга давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Б. Баратов номидан (бундан буён **«Истеъмолчи»** деб юритилади) Низом асосан амал қилувчи корхона раҳбари______________________________________________ томондан қуйидагилар хақида шартнома туздилар

## I. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ

**«Таъминотчи»** электр энергия етказиб беришда хизмат кўрсатади, **«Истеъмолчи»** Самарқанд электр таъминоти корхонаси орқали тақсимланган электр энергияни етказиб берилишида кўрсатган хизматидан фойдаланади ва унинг учун хақ тўлайди.

## II. КЎРСАТАЁТГАН ХИЗМАТЛАР МИКДОРИ

2.1 Шартнома тузилган кунидан кўрсатилаётган хизматлар умумий нархи 10.350.000 сўмни (декларацияланган тариф асосида) ташкил қилади.Бир кВт учун________ ҚҚС билан сўм ташкил этади

2.2. Таъминотчи Истеъмолчига ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган электр энергия миқдорига асосан, электр энергия етказиб беришда кўрсатаётган хизматлар миқдори аниқланади.

2.3. Таъминотчи томонидан Истеъмолчига кўрсатган хизмати электр энергия микдорини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади 2-илова.

## III. ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Кўрсатилган хизматлар учун хисоб-китоб даври бир ой.

3.3 Таъминотчи Истеъмолчи билан биргаликда хар ойда энергия ва кувватнинг хакикий сарфини аниклаш учун хисобга олиш приборлари курсаткичларини ёзиб олади.

3.4 Истеъмолчи келгуси хисоб-китоб даврига у бошланишидан олдин шартномавий ҳажми нархини____фоизи микдорида олдиндан тўловни амалга ошириши шарт. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даврида шартнома шартларидан келиб чиққан холда ҳисоб-китоб килади ва тўлик туловларни навбатдаги ой бошлангунга қадар амалга оширади.

3.5 Таъминотчи хар ойнинг 30 санасигача истеъмолчи билан биргаликда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олиш билан бир вақтда, хисоблагичларнинг тартиб рақамларини ҳамда амалда истеъмол қилинган электр энергияси тўгрисидаги маълумотларни кўрсатган холда хисоботни расмийлаштиради.

Ҳисобот асосида Корхона тегишли ҳисоб-китобни амалга оширади ва истеъмолчи ҳисоб-фактурани олади.

Ҳисоб-китоб асосида амалга оширилган тўловларни хисобга олганда истеъмолчининг қарздорлиги аниқланса, корхона хизмат кўрсатувчи банк орқали тўловни амалга ошириши учун акцепт билан тўлов талабномаси беради.

3.6 Тарифлар ўзгарганида Истеъмолчи етказиб берилаётган Энергия ва қувват учун янги тариф киритилган кундан бошлаб янги тариф буйича хақ тўлаши керак.

3.7 Таъминотчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар Истеъмолчи томонидан Таъминотчининг ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.8. Таъминотчи ва Истеъмолчи ҳар ойда навбатдаги ҳисоб-китоб даври бошланиши ҳолатига ўзаро солиштирув далолатномасини тузади.

Истеъмолчи кўрсатилган хизматлар учун ўзаро хисоб-китоблар солиштирув далолатномасини имзолашдан бош тортса, қарзни ундириш шартномавий ҳажмдан келиб чиққан ҳолда Истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов талабномасини топшириш йўли билан амалга оширилади.

## IV. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчининг хуқуқлари:

а) Таъминотчи томондан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;

б) Энергияни электр тармогларининг булиниш чегарасига шартномада курсатилган микдорда етказиб беришни талаб килиш;

в) Таъминотчининг элекгр тармоги хўжалиги объектларини режали таъмирланиши туфайли энергия билан таъминлашдаги мумкин булган узилишлар туғрисида узиб қўйишгача камида 3 сутка олдин огохлантиришни талаб қилиш;

4.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;

б) келгуси хисоб-китоб ойи учун шартномада белгиланган муддатда хак тўлаш;

в) электр курилмаларини зарур техник холатини ва Истеъмолчиларнинг электр курилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиниши;

4.3. Таъминотчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

а) шартномада белгиланган тартибда ва керакли ҳажмда шартнома мажбуриятлари бажарилишини талаб қилиш;

б) Ҳисоб-китоб даврининг хар кайси кунига узаро хисоб-китоблар солиштирув далолатномасини тузиш.

в) Энергия ( кувват) учун шартномада белгиланган микдорда ва муддатда тулов туланмаганда ( дебитор карздорлик учун )энергиянинг етказиб берилишини тухтатиш ва узиб куйиш хукукига эга.

4.4. Таъминотчининг мажбуриятлари:

а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;

б) жорий этиладиган чеклашлар хакида, чеклашнинг хажми ва вактини курсатган холда, уз вактида хабар килиш;

в) истеъмолчиларнинг Энергия керакли микдорда етказиб берилмаганлиги ёки злектр таъми нотидаги бошка бузилишлар хакидаги аризаларини олинган кундан бошлаб ун кундан кечиктирмасдан куриб чикиш, уларни бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш.

## V. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ФОРС-МАЖОР

5.1. Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик окибатида етказилган ҳақиқий зарар айбдор тараф томонидан иккинчи тарафга туланиши шарт.

5.2. Кўрсатиб берилган хизматлар учун ўз вактида хақ тўламаса, Истеъмолчи Таъминотчига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун тулов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тулайди. Бунда, пенянинг умумий суммаси муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня ҳисоб-китоб давридан кейинги ойнинг тугаганданидан кейин хисобланади.

5.21 Истеъмолчи етказиб берилган энергия учун уз вақтида ҳақ тўламаса ёки тўлашни тад этган ёки бош тортган сумманинг ____ % фоизи миқдорида таъминотчига жарима тўлайди.

5.3. Тарафлар шартномани форс-мажор холатлари, яъни енгиб булмайдиган куч (фавкулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзи-ла, кургокчилик, сув тошкини, ёнгин, сея, дул, жала ва бошка табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

## VI. ЯКУНЛОВЧИ КОИДАЛАР

6.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган ҳисобланади .

6.2. Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми хисобланади.

6.3.Шартнома ____________ муддатгача амал қилади.

6.4. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга факат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

6.5.Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Электр энергетикаси тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси томонидан 2009 йил 22 августдаги 245-сонли, 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари" . « Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан 2021 йил 17-февралда ишлаб чикилган ва тасдикланган 163-Н сонли буйруғи ва бошка қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

6.6 Тошкент –Самарқанд юқори тезликда харакатланувчи « Афросиёб» йўловчи поезди Самарқанд электр таъминоти ҳудудига кириш вақтида ишлаб чиқариш ва хавфсизлик талабларини бажариш учун Таъминотчи Истеъмолчига электр таъминотини вақтинчалик буткул тухтатади.

А.Ж. раисининг қарорига асосан қўшимча юкори тезликда юрувчи поездлар жадвали тасдиқланган тақдирда мутаносиб равишда қўшимча электр таъминоти чеклашлари киритилади

6.7 Ушбу шартнома буйича низолар келиб чиққан тақдирда, тарафлар, қоидага кўра, уларни судгача хал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар. Тарафлар ўртасида ўзаро хал қилинмаган низолар қонунчиликда ўрнатилган тартибда жавобгар жойлашган манзил буйича иқтисодий суд тартибида хал килинади.

## X. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**ИСТЕЪМОЛЧИ**

Почта манзили Нолбеой Гукаты Сарой кўчаси 17уй
Ҳисоб рақами 100010860182097011332093001
Банк коди (М.Ф.О) 00014 СТИР ИНН 200736984
**Телефон:** Тош ш. Марказий банк Уски **факс:**
**Статистик кодлар:**
ХХТУТ(ОКОНХ) 97150
ДБИБТ(СООГУ)
МҲОБТ(СОАТО)
МШТ(ҚФС)
ТХШТ(КОПФ)
КТУТ(ОКПО)

**ТАЪМИНОТЧИ**

Почта манзили_ **Самарқанд ш. Гўрўгли кўчаси 13**
Ҳисоб рақами **20210000604203374001_ « ОРИЕНТ ФИНАНС» БАНК**
Банк коди (М.Ф.О ) **01111 СТИР ИНН 203766534**
**Телефон:_229-07-43 _факс 24- 512 24- 534**
**Статистик кодлар:**
ХХТУТ
ДБИБТ(СООГУ)
МҲОБТ(СОАТО)

**Ҳуқуқшунос хулосаси:**

(Ф.И.Ш) Экусанов (имзо)

**ИСТЕЪМОЛЧИ**

(М.Ў. Имзо)

**ТАЪМИНОТЧИ**
Дистанция бошлиғи
**У.Б. Игамбердиев**

(М.Ў. Имзо)

2022й_______________даги
______сонли
Электр энергия етказиб беришда
курсатаётган хизматлар буйича
шартномасига
**1 - илова**

2022 йил Январ. дан бошлаб истеъмол килинадиган электр энергияси микдори.
Корхона (ташкилот) Жомбой тумани давлат солиқ инспекцияси
Вазирлик (муассаса) Солиқ қўмитаси
Телефон 66-475-19-32
Манзилгох : Жомбой тумани Сарой кўчаси 1 уй

| | электр энергия истеъмоли микдори (минг)кВт | электр энергия етказиб беришда курсатаётган хизматлар микдори м.сум |
|---|---|---|
| **Йил хажми** | 23000 | 10.350.000 |
| **1-чорак** | | |
| Январь | 7666 | 3449.700 |
| Февраль | 7666 | 3.449.700 |
| Март | 7668 | 3.450.600 |
| **2-чорак** | | |
| Апрель | | |
| Май | | |
| Июнь | | |
| **3-чорак** | | |
| Июль | | |
| Август | | |
| Сентябрь | | |
| **4-чорак** | | |
| Октябрь | | |
| Ноябрь | | |
| декабрь | | |

**ИСТЕЪМОЛЧИ**

____________________
(М.Ў. Имзо)

**ТАЪМИНОТЧИ**
Дистанция бошлиғи
**Игамбердиев У.Б.**

____________________
(М.Ў. Имзо)

2022й_______________даги
______сонли
Электр энергия етказиб беришда
курсатаётган хизматлар буйича
шартномасига
**2- илова**

## Ҳисобга олиш приборларини урнатиш жойлари ва характеристикалари

| «Истеъмолчи», хисоблагичларини урнатиш жойлари | хисоблагич тури | хисоблагич рака-ми | Улчов трансфор-маторлари-нинг транс-формация коэффици-енти | | Хисоб-китоб коэффициенти | Шартномани ту-зиш вактидаги хисоб-лаги чининг курсатгичи | Тариф |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Ток | Куч-ланиш | | | |
| | | | | | | | |

**ИСТЕЪМОЛЧИ**

(М.Ў. Имзо)

**ТАЪМИНОТЧИ**
Дистанция бошлиғи
**Игамбердиев У.Б.**

(М.Ў. Имзо)